



## КУРАШ ТУРЛАРИДА МОДЕЛЛАШТИРИШ УСЛУБЛАРИНИ ЎРГАНИШ

**Абдуразақов Хасан Абдуазимович**

*Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия*

*ва спорт университети доценти*

*Elektron manzil: xasanabdurazaqovbayturayev@mail.com*

Ишнинг долзарблиги: Мамакатимиз спортчиларини дунё ареналарида юқори натижаларини эгаллашлари учун қанчадан қанча буюк ишлар қилинмоқда. Бу бунёдкорлик ишлари билан чекланиб қолмасдан, спортни илмий жихатларини ҳам кучайтириш лозимдир. Спорт дунёсида кўпинча амалий ҳаракатланган спортчилар дунёга танилган, айти шу спортчиларни дунёда юқори натижа кўрсатиши учун қанча илмий ишлар қилинганлигини ва улардан қанчиси илмий асосланган ва яна қанчаси умуман тугатилмаган ва мофақиятга эришмаган. Илмий асосланган тизимни қайта ишлашда юқори малакали спортчилар тайёрлаш учун, кучли спортчилар моделини яратишга катта эътибор берилади.

Ташкилий-методик асослар юксак даражадаги спорт натижаларига эришувчи ва олдида қўйган вазифаларни еча оладиган кучли терма жамоаларни, спортчиларни моделини яратишни кўзда тутди. [2,5]

Илмий мутахассислар спортда шундай моделлар яратиш зарурлиги ҳақида бир неча марта мурожаат қилганлар ва куйидагиларни яратганлар. “Келажакнинг эвристик модели” (А.А. Гужаловский, 1971), “Спортчининг модел намунаси” (А.В. Ивайлов, 1971), “Бўлажак спортчи модели” (В.М. Дячков, 1972), “Бўлажак спортчининг модели” (Б.И. Бутенко, 1972), “Юксак мақсадларни шакллантириш” (В.М. Затсиорский, 1973). [2,5]

В.В. Кузнетсов ва А.А. Новиковнинг (1975) тадбири бўйича, моделни ишлаш кўрсатмаларида “Спортчининг модели” тушунчаси киритилмаган ва умумий тизимдаги спорт тайёргарлигидаги ўрни кўрилмаган.

Тадқиқот мақсади шундан иборатки кураш турларида моделлаштириш услубларини ўрганиб чиқиш ва энг тўғриси тарғиб этиш.

Тадқиқотчилар В.В. Кузнетсова ва А.А. Новиков томонидан олиб борилган ишлари натижасида кучли спортчиларнинг моделлаштириш муаммолари анча олдида сурилди. 1973-йилда замонавий тайёрланган олий даражада ихтисослаш-тирилган спортчилар характерининг модели назарияга ва амалиётга киритилади.

Кучли спортчилар моделининг характеристикаси келгусида асосий теоретикада ҳам тақлиф қилинган. [1,2,5]

Бир қатор авторлар ишнинг таҳлилига асосланиб, биологик тизими билими билан унинг функционал йўналиш билимини бирлигини кўрсатувчи моделлар ўртасидаги ўзаро муносабат блоксхема модели асосида тузилган. [3,4]

Моделнинг асосий компонентлари умумий субординатцияли муносабатларга кўра учта даражага бўйича бўлинган. [2,5]

Биринчи даражада – мусобақа фаолияти. Бу даражада кучли спортчиларнинг жиддий мусобақалардаги характери киради. Бу “мусобақалар моделининг” асоси ҳисобланади.

Иккинчи даражада – маҳорат модели. Спорт формасидаги спортчининг махсус жисмоний, техник ва тактик тайёргарлигидаги характери ўз ичига олади.

Учинчи даражада – спорт имкониятларининг модели (функционал ва психологик тайёргарлиги, морфологик тайёргарлиги, ёши ва спорт стажи).

Юқорида баён қилинган методологик ёндашиши тадқиқотчилар томони-дан кенг қўлланган. В.М. Коретский учта блокдан иборат жисмоний тарбия педагог-мутахассислар учун модел ишлаб чиқди.

Биринчи блок – шахс блоги (ахлоқ-одоби, ғоявийлиги, маънавияти ва бошқа сифатлари, ақли, руҳий ривожланиш даражасининг функциялари).

Иккинчи блок – касб фаолияти блоги, (ҳамма иш турларининг йиғиндиси ва мутахассис меҳнатининг асосий иши ва бажариладиган муаммолари).

Учинчи блок – билим блоги, касбнинг маълум вазифаларини бажаришдаги моҳирлиги, билими, малакаси.

Тадқиқотчилар томонидан (В.И. Козловский ва бошқалар, 1978) футболчи модел характеристикасининг блок шакли таклиф қилинган. Булар учта даражадан иборат.

Биринчиси – ўйинчи ва жамоаларнинг гуруҳда хужум қилиш ёки ҳимоя қилиши фаолиятидаги ҳаракатининг натижаси.

Иккинчиси – техника билан қуроллантириш, махсус ва тактик жисмоний тайёргарлиги, руҳий турғунлиги.

Учинчиси – функционал тайёргалик характеристикаси, морфологик функциялари, спорт стажининг ёши.

Тадқиқотчиларнинг фикрига қўшилган ҳолда, спортчиларнинг босқичли тайёргарлигини ҳисобга олиб, моделларни ғоявий ва кундалик моделларга ажратилади. [2,5]

Бу моделлар спортчининг ҳолати ҳақида олинган ахборотдан кейин тузилади. Кундалик ва ғоявий моделнинг мувофиқлашуви мақсадга эришишда ягона йўл бўлиб, спортчи тайёргарлигида ва машқ жараёнларида қўлланилади.

Спортчининг модел таснифини – бу спортни такомиллаштириш параметрлари бўлиб, тарма жамоаларга спортчи саралаш учун ёрдам беради.

Модел характери яратиш учун, жуда зўр юқори малакали спортчи тасаввур қилинади. Кучли спортчиларни моделини билмасдан туриб, ҳар бир спортчининг машғулот жараёнидаги натижалари таъсиридаги муаммоларни ечиб бўлмайди. [3,4]

Модел характери, спортчи маҳоратининг компонентларини оширади, бўлажак мусобақаларга тайёргарлик ҳолатини аниқлайди.

Жиддий мусобақалар натижаларини аниқлаган ҳолда, яна ҳам муҳимроқ модел характери ажратилган. Бу эса спортдаги натижаларни яна ҳам оширади.

Бу модел характерига, спорт фаолиятидаги стажи ва ёши, марфометрик характеристикаси, махсус тайёргарлик даража кўрсаткичлари (жисмоний, техникавий, тактикавий, руҳий, функцияли, назарияли) киради.[1,2,5]



Хулоса: Спорт дунёси фақат спорт майдончасида эмас, балки спорт лабораторияларида ҳам кузатилиши ва бу масканда айти юқори натижаларни кўрсатиш имкониятлари очиб берилиши изохланди. Юртимизда спорт лабораторияларини ривожлантириш спорт соҳасида кўпроқ ютуқларга эришишимизга кўмакчи бўлиши кўпгина илмий-амалий конференцияларда ўз ишотини топиб келмоқда. Курашчиларни техник тайёргарликларини такомиллаштириш тартиби уларнинг биринчи машғулотларидан тўғри бошланиши келажакда уларни олимпиада голиблари бўлишларига сабаб бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. В.Н.Платонов. – «Общая теория – подготовка спортсменов в олимпийском спорте». Олимпийская литература. Киев-1997
2. Верхошанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки спортсменов. М., ФиС, 1988.
3. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. М., ФиС, 1991.
4. N.A.Tastanov. – «Kurash turlari nazariyasi va uslubiayati» Darslik. Toshkent - 2017
5. N.A.Tastanov. – «Kurash turlari nazariyasi va uslubiayati» Darslik. Toshkent - 2015